Узб № 9 от 10.01.2022

# ЁҚИЛҒИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ № 22/01

___Қарши ш 5январь 2022_ йил

Ўз Низоми асосида иш олиб борувчи **"АРОГИН"МЧЖ**, кейинги ўринларда «Махсулот сотувчи» номидан Бобоев Лазизбек, бир томондан, хамда ўз Низоми асосида иш олиб борувчи **«OCHIQ NEFT VA GAZ FAVVORALARNING OLDINI OLISH VA BARTARAF ETISH BO'YICHA O'ZBEKISTON HARBIYLASHTIRILGAN QISMI»**кейинги ўринларда «Сотиб олувчи» номидан иккинчи томондан куйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. Махсулот сотувчи мазкур шартноманинг 1.2-бандида назарда тутилган махсулотларни шартномада белгиланган муддатда Сотиб олувчига етказиб беради Сотиб олувчи эса уз навбатида ушбу махсулотларни кабул килиб олиш ва мазкур шартнома шартлари асосида уз вактида хакини тулаш мажбуриятини олади.

1.2. Сотиш предмети бўлиб қуйидаги махсулотлар (кейинги уринларда «Махсулотлар» деб юритилади) хисобланади:

| № | Маҳсулот номи | Ўлчов бирлиги | Микдори | Нархи, (ҚҚС билан) | 15% ҚҚС суммаси билан |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | ПРОПАН ГАЗ | сўм | | 100 000 000 | 100 000 000 |
| | | | | | |
| | **Жами:** | | | | |

**Шартноманинг умумий қиймати: 100 000 000(юз миллион) сўм, қўшиилган қиймат солиғи билан.**

## 2. МАҲСУЛОТЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ.

2.1. Махсулотларни олиб кетиш Сотиб олувчи томонидан уз автотранспортида ёки ёлланган автотранспортда уз хисобидан амалга оширилади. Бунда автотранспорт воситасининг мазкур тоифадаги махсулотларни ташиш учун мулжалланганлиги, соз холатда булиши, белгиланган хужжатларининг мавжудлиги ва лозим даражада расмийлаштирилиши буйича Сотиб олувчи масъулдир.

## 3. МАХСУЛОТЛАРНИНГ СИФАТИ ВА БУТЛАНИШИ.

3.1. Сотиб олувчи махсулотларни кабул килишда ишончли вакили оркали иштирок этиб, бу жараёнда Махсулотлар сифати ва микдорини назоратдан утказади.

3.2. Сотиб олувчи махсулотларни кабул килиш жараёнида уз ихтиёрига кура махсулотлар сифатини аниклаш учун мутахассислар жалб этиши мумкин.

3.3. Махсулотлар Сотиб олувчи ихтиёрига топширилганидан сунг уларнинг микдори буйича эътироз булишига йул куйилмайди. Махсулот сифати буйича эътироз, махсулотлар кабул килиб олинган санадан бошлаб 3 иш куни муддат ичида берилиши мумкин.

3.4. Махсулот вазни ташки физик таъсирлар, табиий бугланиш хисобига 5 фоизга ижобий ёки салбий узгаришига йул куйилади.

## 4. ТУЛОВ ШАРТЛАРИ.

4.1. Сотиб олувчи етказиб бериладиган махсулотлар учун юклаб жунатишга тайёр булган хакикатдаги микдор учун 100% фоиз олдиндан пул утказиш йули билан хак тулайди..

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. Сотиб олувчи туловни кечиктирганлик учун Етказиб берувчига хар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4 % микдорида пеня тулайди.

5.2. Махсулотларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборганлик, тулик етказиб бермаганлик учун сотувчи Сотиб олувчига кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,4% микдорида пеня тулайди.

5.3. Шартнома имзоланганидан сунг махсулотларни олишдан, туловни тулик амалга оширишдан асоссиз буйин товлаганлик учун Сотиб олувчига нисбатан шартнома кийматининг 20 фоизи микдорида жарима кулланилиши мумкин.

5.4. Сотиб олувчининг улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш хукуки булмаган такдирда, сотиб олдинган махсулотлар факат тургун савдо шахобчалари оркали чакана савдода, чакана савдо учун тегишли рухсатномаси булган такдирда, ишлаб чикариш учун хом ашё, материал, ёхуд Сотиб олувчининг шахсий эхтиёжлари учунгина ишлатилиши буйича тулик масъулият Сотиб олувчи зиммасига юклатилади.

5.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Узбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида»ги Конунида белгиланган тартибда хал этилади.

## 6. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

6.1. Томòнларнинг хеч бири бошка томон олдида ушбу шартнома буйича олган мажбуриятларини узига боглик булмаган ( ер кимирлаши, тошкин булиши, фукаролик тартибсизлиги ва бошка табиий офатлар ) холда бажармаганликлари учун жавобгар булмайдилар.

## 7. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ.

7.1. Мазкур шартномани бажариш жараёнида келиб чикиши мумкин булган низолар ва зиддиятлар тарафлар уртасида музокаралар олиб бориш ёки ёзма талабномалар ёзиш оркали хал этилади.

7.2. Низоларни музокаралар олиб бориш йули билан хал этишнинг имкони булмаган такдирда, низони хал этилиши Карши туманлараро иктисодий судига даъво тартибида хавола этилиши мумкин.

## 8. ЯКУНЛОВЧИ КОИДАЛАР.

8.1. Шартнома имзолагандан бошлаб кучга киради ва «31» декабрь 2022 йил кунгача амал килади.

8.2. Мазкур шартнома тарафларнинг келишувига мувофик ёки тарафлардан бирининг даъво аризасига асосан суд томонидан бекор килиниши мумкин.

8.3. Ушбу шартномага киритиладиган хар кандай узгартириш ва кушимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган такдирдагина хакикий хисобланади.

8.4. Шартнома икки нусхада тузилган булиб, тарафларга бир нусхадан берилади. Иккала нусха хам бир хил юридик кучга эга.

## 9. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

| «СОТУВЧИ» | «СОТИБ ОЛУВЧИ» |
|---|---|
| ***"АРОГИН" МЧЖ***<br>***Манзил:****Қашқадарё в. ҚАРШИ шаҳар Ойдин кўчаси 36уй*<br><br>***Х/р:20208000304150643001***<br>***Банк:*** *АТБ"ТУРОН" БАНК ҚАРШИ филиали*<br>***МФО:*** *00192*<br>***ИНН:*** *203754454* ***ОКЭД: 47300***<br>ҚҚС тўловчининг рўйхатдан ўтиш коди:<br><br>**Раҳбар: БОБОЕВ.Л** | ***«OCHIQ NEFT VF GAZ FAVVORALARNING OLDINI OLISH VA BARTARAF ETISH BO'YICHA O'ZBEKISTON HARBIYLASHTIRILGAN QISMI»***<br>***Манзил***: ***Қашқадарё вилояти*** *Муборак тумани Дўстлик маҳалласи*<br>***Х/р: 20210000100381865001***<br>***Банк:*** *АТБ "ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК" Муборак тумани филиали*<br>***МФО: 00186***<br>***ИНН: 200698487***<br><br>***Раҳбар:*** Авлакулов Р. Н. |
| | |

**В И З А Л А Р**

| Ф И Ш | мансаби | имзо |
|---|---|---|
| Кенжаев Н.А. | ХИЧХТО командири | |
| Зойиров З.Э. | Бош хисобчи | |
| Рахмонов Б.Я. | Ҳуқуқшунос | |